

ГАВҲАР ИБОДУЛЛАЕВА

ЮРАГИМДА
ЯШАЁТГАН СИР

ШЕЪРААР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2010

ISBN _____

© Гавҳар Ибодуллаева, «Юрагимда яшаётган сир». «Янги аср авлоди», 2010 йил.

ИШҚ ТИЛИНИНГ СЎЗЛАРИ

Талантли шоира Гавҳар Ибодуллаеванинг канг-
луда сўзнинг юки мўл.

*Рухи тўлгин.
Мантиги қурч.
Қузатувлари жўяли.
Ранглари ифорли.*

Шоира шеърлари кангул нафосатига, кангул ла-
тофатига, кангул назокатига йўғрилган. Гавҳар Ибо-
дуллаева ёзиш асносида бирдайин канглуба муро-
жаат қилади. Унга яқин бориб, унинг довушлари-
ни тинглайди. Аёнки, кангулга нигоҳ ташлаш, ўзин-
гни англашга ундайди. Бундай сираларнинг зами-
ри чинакам ишқдан пайдо, чинакам ишққа туташ.

“Шеър нима? Шеър — ишқ тилидир”, деган
фикрни билдирган экан улуғ шоирлардан бири.
Гавҳар Ибодуллаеванинг шеърларида худди шун-
дай тарз намоён, яъни, улар кангулда макон тут-
ган ишқ тилининг сўзлари. Шоира ишқ тили-
нинг сўзларини шунчаки баён этмайди, балки улар-
ни туйғулар қиёсига, соғинчлар шуъласига, ҳислар
ишорасига айлантиради. Шунинг учун ҳам унинг
шеърлари кангулнинг суратига менгзайди, ҳолати-
нинг тебранишларига ўхшаб кетади. Шоира бе-
жиз:

*Менинг дунём —
Ҳислар мамлакати, —*

демайди. Табиийки, ҳислар ишқ тилининг сўзлари ила шоёнлик ҳосил қилади. Шоира кангул ҳисларининг имкониятларини уйғотади, кенгайтиради. Тасаввурда ҳис кўринишларини чизади. Ишоралар сезимини шакллантиради. Хаёлга йўналтиради. Шу боис ҳам шоира бир ўринда, ишқ тилининг сўзларини хаёл йўсинига буриб, ичкин илтижо билан ёзади:

*Бўлмасанг-да, бир дунё шодлик,
Битта ширин хаёл бўлиб қол!*

Ишқ тилининг сўзлари ҳамиша дийдор йўлида, дийдорга ташна, дийдорга интиқ.

Зорман, гадосиман қутлуғ дийдорнинг, деган сатрни битади шоира кангул хўрсиниғига қайрилиб. Ишқ дийдор бобинда ўзининг вожиблигига мўяссар бўлади. Шоира бунга чексиз умид боғлайди. Далил — ишқ тилининг сўзлари бўлмиш шеърлари.

*Икром Отамурод
10 апрел 2010 й.*

Ушбу китобимни 12 яшар қизалоқ-нинг эндигина қоралаган машқларини ўзига билдирмай муҳарририятга олиб бориб, бу даргоҳдаги нозикфаҳм кишилар назаридан ўтказиб, газетада эълон қилдириш орқали менга шеърини аталмиш муқаддас салтанатга дарбоза очиб берган дарёдил инсон, меҳрда тенгсиз Ҳамиджон оғамнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.

Муаллиф

БАҒИШЛОВ

Осмонларга туташган нарвон —
Кўнглим менинг — адашган карвон,
Дунёсида не ғамлар тортдим,
Мен барини елканга ортдим.,
Шеърим, сендан бўлак норим йўқ...

Муҳаббатнинг саҳроси куюк,
Муҳаббатнинг булоғи суюк,
Чанқаб-ҳориб қаён чопмадим,
Булоғини ҳаргиз топмадим,
Шеърим, сендан эзгу корим йўқ...

Қай бедилга зоримни айтдим,
Эҳ, алдандим, сўзимдан қайтдим,
Рўём ўзинг, ўзингсан ҳақим,
Юз қароим, ўзинг юз оқим,
Шеърим, сендан ўтар зорим йўқ...

Номардларни ёр деб суюбман,
Суюб-куюб, жондан тўйибман,
Не суд энди онтлар ичмагим,
Гуноҳимдан кечгин, кечмагин,
Шеърим, сендан азиз ёрим йўқ...

Бор меҳримни елларга сочиб,
Муҳаббатга азалар очиб,
Келдим яна қошинга ғариб,
Тилим қисик, дилимни ёриб,
Шеърим, сендек вафодорим йўқ.
Шеърим, сендек вафодорим йўқ...

ДИЛИМНИНГ ХУТЪАСИ

*Мен сени ўзимга тиландим,
Мен мени ўзинга тиладим.*



ТИНЧЛИКНИНГ ЭНГ ЛАЗЗАТЛИ ҚЎШИҒИ

Тонг...

Атроф уйғонар оҳиста...

Шу осуда борлиқ, хотиржам осмон

Бувамнинг кафтидек бошимда паноҳ.

Хотиржам ястанган шу сокин замин

Момоннинг бағридек беҳадик, бежавф...

Кундуз...

Бир интиқ ҳис билан оқа бошлайман,

Даврим шиддатига қўшилиб.

Юрагим гурсиллар, юрагим урар,

Қадам товушидек отамнинг...

Шом...

Йўлларни чангитиб пода қайтади,

Димоқни қитиқлар пиёздоғ ҳиди...

Бу оқшом шу қадар майин чўқади,

Онамнинг нигоҳи сингари майин...

Оқшом...

Бундай елкаларга суюнмоқ мумкин бемалол,

Жуфти ҳалолимнинг лутфлари сўнгсиз...

Қўлим кафтларида, кўзларида кўзим,

Бу бахтнинг сувратин чиза олмай ким?..

Шамшоддай қадингдан айланай, ўғлим,
Қизим, кўзингдаги бахтга чўкайин,
Кўксида асраган болаларимни,
ВАТАН, тупроғингни ҳар тун ўпайин...

Саҳар..
Уйғонаман,
гудок чинқириғи
ва ё
соат зангиданмас,
Масъум набирамнинг жонбахш йиғисидан!..

Ассалом, янги Кун!

ТАРОНА

Кўзин очар мудраган замин,
Шошиб қолар ифорли еллар,
Уруғларни энтикиб қутиб,
Бағрин очар сервиқор ерлар.
Ишга тушар рассом табиат,
Чор атрофга ранг эҳсон этар.
Биллур нуқра — куртак — муштчалар
Ногоҳ тунда очилиб кетар.
Анчадан жим ётган қўш ирмоқ,
Оқа бошлар тўлиб-тўлғониб,
Елкасидан босган тупроқни
Ирғитади тоқлар уйғониб.
Боғлар ёпган нафис рўмолга
Қуёш нури урилиб синар.
Яшнаб кетар серчечак адир,
Толбаргақлар сочларга инар.
Боларилар — гул бандилари
Гулдан учиб, гулга қўнади,
Бир қиз нуқул пардани очиб
Деразадан қараб қўяди...
Кўчабошда турар бир йигит
Нигоҳида интиқ ташналик,
Чиқиб келар очилиб, яшнаб
Қиз шодликдан қўшиқ бошларлик...

Қалдирғочлар вижири ҳоким,
Инлар билан тўлади айвон...
Юрагимга бостириб кирар
Ҳар тарафдан гул Ўзбекистон...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1839> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1839> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1839>